

I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (*фермер ва деҳқон хўжаликларисиз*) 20 058 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 19144 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,4 фоизни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (24,1 фоиз), Қизилтепа (12,6 фоиз), Кармана (15,6 фоиз) ва Хатирчи (12,5 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2020 йил 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	20058	100,0	19144	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	4830	24,1	4310	22,5
Зарафшон	1556	7,8	1508	7,9
<i>туманлар:</i>				
Конимех	764	3,8	736	3,8
Қизилтепа	2551	12,6	2516	13,2
Навбаҳор	1919	9,6	1882	9,8
Кармана	3134	15,6	3025	15,8
Нурота	1508	7,5	1482	7,7
Томди	373	1,9	366	1,9

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Учқудук	924	4,6	911	4,8
Хатирчи	2499	12,5	2408	12,6

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (% да)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (32,1 фоиз), саноат (16,1 фоиз), қурилиш (8,0 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (10,7 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(2020 йил 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	20058	100,0	19144	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2141	10,7	2072	10,8
саноат	3238	16,1	3083	16,1
қурилиш	1601	8,0	1519	7,9
савдо	6439	32,1	6203	32,4
ташиш ва сақлаш	627	3,1	592	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1368	6,8	1267	6,6
ахборот ва алоқа	196	1,0	178	0,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	285	1,4	280	1,5
бошқа турлари	4163	20,8	3950	20,7

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (% да)
(2020 йил 1 июль ҳолатига)**

16,1 %



Саноат

32,4 %



Савдо

7,9 %



Қурилиш

0,9 %



Ахборот ва алоқа

6,6%



**Яшаш ва овқатланиш
бўйича хизматлар**

3,1%



Ташиш ва сақлаш

10,8 %



**Қишлоқ, ўрмон
ва балиқ
хўжалиги**

1,5 %



**Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий хизматлар
кўрсатиш**

20,7%



**Бошқа
турлари**

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,4 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (% да)




2020 йил 1 июль ҳолатига 17 067 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 875 та, оилавий корхоналар – 3438 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 8523 та, акциядорлик жамиятлари – 20 та, унитар корхона – 67 тани ва 144 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.



Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда

2020 йил январь-июн ойларида жами 2 690 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 87,8 % ни ташкил этади, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (437 та), Хатирчи (425 та), Қизилтепа (420 та), Кармана (339 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (81 та), Конимех (136 та), Нурота (189 та) туманларига тўғри келади.

Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 38,8 фоиз, саноатда 20,3 фоиз, қурилишда 4,6 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 18,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турларида янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, % да

2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 16 974 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43,2 фоизга ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3755 таси (жами субъектларнинг 22,1 фоизи) Навоий шаҳри, 2771 таси (16,3 фоизи) Кармана, 2289 таси (13,5 фоизи) Қизилтепа, 2116 таси (12,5 фоизи) Хатирчи 1695 таси (10,0 фоизи) ҳамда Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 294 таси (1,7 фоизи) Томди, 604 таси (3,6 фоизи) Конимех, 796 таси (4,7 фоизи) Учкудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)
(2020 йил 1 июль ҳолатига)

	Жами	Фаолият юритаётган	Фаолият юритмаётган	2020 йил январь-июн ойларида янгидан ташкил этилган	2020 йил январь-июн ойларида фаолияти тугатилган	1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари
Жами	17815	16974	841	2636	297	20,2
Навоий	4233	3755	478	414	42	25,9
Зарафшон	1404	1361	43	181	42	16,1
Кармана	2876	2771	105	332	38	24,8
Конимех	631	604	27	133	14	22,3
Қизилтепа	2318	2289	29	419	31	19,0
Навбаҳор	1728	1695	33	247	13	19,6
Нурота	1318	1293	25	189	42	18,1
Томди	299	294	5	81	8	39,9
Учкудук	808	796	12	215	58	24,4
Хатирчи	2200	2116	84	425	9	14,4

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик
субъектларининг ҳудудлар бўйича сони**

	2019 йил 1 июль ҳолатига		2020 йил 1 июль ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	11853	100,0	16974	100,0
Навоий	3369	28,4	3755	22,1
Зарафшон	902	7,6	1361	8,0
Конимех	325	2,7	604	3,6
Қизилтепа	1351	11,4	2289	13,5
Навбаҳор	1039	8,8	1695	10,0
Кармана	2063	17,4	2771	16,3
Нурота	919	7,8	1293	7,6
Томди	179	1,5	294	1,7
Учкудук	493	4,2	796	4,7
Хатирчи	1213	10,2	2116	12,5

Фаолият кўрсатаётган жами 16974 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 6190 таси (36,5 фоизи) – савдода, 3048 таси (18,0 фоизи) - саноатда, 2040 таси (12,0 фоизи) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1510 таси (8,9 фоизи) - қурилишда, 1264 таси (7,4 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 579 таси (3,4 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 217 таси (1,3 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 168 таси (1,0 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1958 таси (11,5 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича, 1-июль ҳолатига кўра) бирликда**

3238 та



Саноат

6439 та



Савдо

1601 та



Қурилиш

196 та



Ахборот ва алоқа

1368 та



**Яшаш ва овқатланиш
бўйича хизматлар**

627 та



Ташиш ва сақлаш

2141 та



**Қишлоқ, ўрмон
ва балиқ
хўжалиги**

285 та



**Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий хизматлар
кўрсатиш**

4163 та



**Бошқа
турлари**

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (% да)**

2020 йил 1 июль ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,1 фоизни (43 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 1,9 фоизни (33 та), Нурота 1,9 фоизни (25 та), Учқудуқ 1,5 фоизни (12 та), Конимех 4,3 фоизни (27 та), ва Томди тумани 1,7 фоизни (5 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 297 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан саноат 46 та (15,5 фоизи), савдо 81 та (27,3 фоизи), қурилиш 31 та (10,4 фоизи) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 34 та (11,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитал иштирокидаги корхоналар сони 230 тани ташкил

этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 64 тага ёки 138,6 фоиз (1,4 марта)га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 143 таси қўшма корхоналар, 87 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони,



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 74 та (32,2 фоиз) ва Кармана 58 та (25,2 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди ва Конимех 7 тадан (3,0 фоиз), Учқудуқ 9 та (3,9 фоиз) ва Қизилтепа 15 та (6,5 фоиз) туманларига тўғри келди.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши (2020 йил 1 июль ҳолатига)

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Жами	230	100,0
Навоий	74	32,2
Зарафшон	16	7,0

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Конимех	7	3,0
Қизилтепа	15	6,5
Навбахор	10	4,3
Кармана	58	25,2
Нурота	23	10,0
Томди	8	3,5
Учкудук	9	3,9
Хатирчи	10	4,4

Фаолият кўрсатаётган 230 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 143 таси (62,2 фоиз) саноат, 25 таси (10,9 фоиз) савдо, 29 таси (12,6 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (1,3 фоиз) ташиш ва сақлаш, 9 таси (3,9 фоиз) қурилишда, 3 таси (1,3 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,4 фоиз) Ахборот ва алоқа, 2 таси (0,9 фоиз) Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 15 таси (6,1 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2020 йил 1 июль ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Жами	230	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	143	62,2
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29	12,6
қурилиш	9	3,9
савдо	25	10,9

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
ташиш ва сақлаш	3	1,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1,3
Ахборот ва алоқа	1	0,4
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	0,9
бошқа турлари	15	6,5

2020 йил январь-июнь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 24 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 тага камайган.

Бунда Канада резидентлари капитали иштирокида - 1 та, Австралия резидентлари капитали иштирокида – 1 та, Эстония Республикаси – 1 та, Гретсия Республикаси - 1 та, Венгрия Республикаси - 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 1 та, Россия Федератцияси - 6 та Қозоғистон Республикаси- 1 та, Жанубий Корея Республикаси - 1 та, Тожикистон Республикаси - 1 та, Туркменистон Республикаси – 2 та, Туркия Республикаси - 1 та, Хитой Халқ Республикаси - 2 та, Англия – 1 та, Туркия Республикаси 1 та, Эрон Ислом Республикаси 1 та, Белоруссия Республикаси 1 та.

24 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (5 та) ва Зарафшон (1 та) шаҳарларида, Кармана тумани (7 та), Қизилтепа (2 та), Навбахор (2 та), Конимех (2 та), Учқудуқ (1 та), Хатирчи (1 та) ва Нурота (2 та) Томди (1 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Жами	24	100,0
Навоий	5	25,0
Зарафшон	1	6,3

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
Конимех	2	12,5
Қизилтепа	2	12,5
Навбахор	2	6,3
Кармана	7	25,0
Нурота	2	-
Томди	1	-
Учкудук	1	6,3
Хатирчи	1	6,3

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 15 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3 та, савдода 3 та, қурилишда 2 та, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



2020 йил 1 июль ҳолатига 6 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (4 та), Навбахор тумани (1 та) ва Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2020 йил 1 июль ҳолатига 3563 тани ташкил этиб, улардан 3438 таси ёки 96,5 фоиз фаолият юритмоқда.

2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 89,6 фоизга ёки 1625 тага кўпайди.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси,
бирликда**

